

Термиз ш.

24.05.2022 йил

Бундан буён **Буюртмачи** деб юритиладиган “Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси” номидан директор Боймуродов Б.Б. томондан ва «TERMIZ GRAND ROAD PROJECT» МЧЖ, бундан буён **Бажарувчи** деб аталувчи номидан Низом асосида иш юритувчи директор У. Саидов, иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. **Буюртмачи: Термиз ш. И. Каримов кучасига 2 км. сугориш тизимларини ташкил этиш ва 1 дона сув чиқариш кудуги казиш (мулжал: Ваз автосалони чоррахасидан тарихий музейгача) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш** топширади, **Бажарувчи** эса ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тузилган.

1.3. Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш шартнома имзоланиб кучга кирган кундан бошланиб, 15 иш кунда тугатилади.

1.4. Ишчи лойиҳа Давлат экспертизадан ўтказилган кун ишлар тугатилган деб ҳисобланади. Агарда Давлат экспертиза хулосаси ишчи лойиҳа Буюртмачига топширилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирилса, ишларни тугатиш муддати кечиктирилган кунга узайтирилган ҳисобланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишларни амалга оширишнинг баҳоси **ҚҚС сиз 18 900 000 (ўн саккиз миллион тўққиз юз минг)** сўмни ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ҳужжатларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартномани имзолагандан кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30 % миқдорида аванс тўловини амалга оширилиб қолган 70% иш бажарилгандан кейин тўлаб беришга келишилди.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан ишлар мазкур шартноманинг 4.4. моддасида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг 5 (беш) банк кунда ажратилган аванс маблағи миқдори ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарувчи томонидан тўлиқ бажарилиб, объект бўйича давлат экспертизаси томонидан якуний экспертиза хулосаси олингандан сўнг қолган маблағ учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни топшириқ, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи ишчи лойиҳани ишлаб чиққандан сўнг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишни ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.

Объектнинг баҳосини жорий нархларда ҳисоблаб чиқиш учун Пудратчи (курувчи) тўғрисида керакли маълумотларни шартномада кўрсатилган ишларни бажариш муддатининг охириг кунидан камида 20 кун олдин Буюртмачи Бажарувчига тақдим этади. Агарда ушбу маълумот берилиши кечикса шартнома муддати ҳам ўшанча кунга узайтирилган деб ҳисобланади.

3.4. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларига мувофиқ бажарилишида Буюртмачи томонидан бажарилиши зарур ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз ва камчиликлар билан бажарса ва сифатсиз бажарилган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фойдаланиш натижасида қўшимча (кўзда тутилмаган) ишлар ва харажатлар аниқланса, бажарувчи ушбу камчиликларни бартараф этиб, бир ҳафтадан ошмаган муддатда ўз мажбуриятларини талаб қилинган сифат даражасида қайтадан бажаради ва

аниқланган қўшимча харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди, лекин, аниқланган қўшимча харажатларни қоплаш мазкур шартнома қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартнома муддати тугагандан сўнг бажарувчи томонидан расмийлаштирилиб, буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳужжатларнинг рўйхати топшириқда белгиланади.

4.3. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.4. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2. бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.5. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.7. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.8. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиха бўйича хулоса учун муружаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

4. Конфиденсиал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденсиал ҳисобладиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Бажарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда лойиҳанинг маълум қисмини ёки бирор лойиҳавий ечимни ваколатли органлар билан келиша олмаса, (махаллий ҳокимиятлар, архитектура қурилиш бошқармалари, Давлат ҳаракат хавфсизлиги бошқармалари, муҳандислик коммуникацияларининг эгалари ва х.к.) ишларни бажаришнинг охири муддатидан камида 1 (бир) ой олдин Буюртмачини ёзма равишда асосланган ҳужжатлар билан хабардор қилади, Буюртмачи эса шартноманинг бажариш муддатини узайтириб беради.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш Буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Сурхондарё вилоят иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз берилган томон олгандан кейин 10 (10) ой муддатни ташкил этилади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолда конунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва Бажарувчи томондан ишлар топширилганда шартлашилган хақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.7. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим;

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

Шартнома баҳосининг келишув баённомаси (1-илова)

Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш сметаси (3-илова)

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши куршиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ҳодими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкый наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатлатга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва қушимчалар қонуний кучига эга булади. Узгариш ва қушимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдиқланган булиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

8.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

9. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«Бажарувчи»

" TERMIZ GRAND ROAD PROJECT "
МЧЖ

Манзил: Термиз ш. Тарақиёт кўчаси 3-уй

Телефон:

АТ "Алока Банк" Сурхондарё филиали

Х/Р: 2020 8000 7053 9275 1001

Банк коди: 00401

ИНН: 308 493 584

ОКОНХ: 66000

директор

У. Саидов



«Буюртмачи»

“Термиз шаҳар Ободонлаштириш
бошқармаси”

Манзил: Термиз шаҳар Нодира кўчаси 3уй

Тел: 76-223-74-62

ш.х.в 100022860224017065100110018

ИНН: 302 505 373 ОКОНХ: 90211

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Ғазначилиги

Х/р: 23402000300100001010

Банк коди: 00014 ИНН: 201 122 919

Раҳбар

М.Бойсариев



Термиз ш. И. Каримов кучасига 2 км. сугориш тизимларини ташкил этиш ва 1 дона сув чикариш кудуги казиш (мулжал: Ваз автосалони чоррахасидан тарихий музейгача) лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

минг сўм

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш муддати	
			Муддати	Қиймати	2022 йил	2022 йил
1	Аванс тўлови				5 670,000	
2	Лойиха-смета ишларини бажариш (ҚҚС сиз)	18 900,000	15 иш куни	18 900,000		18 900,000
	Жами:	18 900,000		18 900,000	5 670,000	18 900,000

Буюртмачи

Бажарувчи



Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш
С М Е Т А С И

Объект номи: Термиз ш. И. Каримов кучасига 2 км. сугориш тизимларини ташкил этиш ва 1 дона сув чиқариш кудуги казиш (мулжал: Ваз автосалони чоррахасидан тарихий музейгача) лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Буюртмачи ташкилотнинг номи: “Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси”

Лойиха (қидирув) ташкилоти номи: "TERMIZ GRAND ROAD PROJECT" МЧЖ

Т.р	Ишларнинг номи	Лойихалаш ва қидирув учун нархлар тўпламининг қисмлар, боблар, жадваллар ва бандлари	Келишилган баҳоси, минг сўм
1	2	3	5
	Термиз ш. И. Каримов кучасига 2 км. сугориш тизимларини ташкил этиш ва 1 дона сув чиқариш кудуги казиш (мулжал: Ваз автосалони чоррахасидан тарихий музейгача) лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирининг 2019 йил “19” 08 даги 396-буйруғи билан тасдиқланган “Шартномавий жорий нархларда қуриладиган объектлар учун лойихалаш тадқиқот ишлари нархини аниқлаш тартиби ҳақидаги Низом” иловаларига асосан	Буюртмачи билан келишув асосида шартнома киймати 18 900,000
Жами тўлов учун			18 900,000

Жами ҚҚС сиз 18 900 000 (ўн саккиз миллион тўққиз юз минг) сўм.

Тузди:  У. Саидов



YURUDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA

1. Loyiha turi: Shartnoma

2. Loyiha nomi:

Buyurtmachi "Termiz shahar Obodonlashtirish boshqarmasi" nomidan direktor M.Boysariyev va **Bajaruvchi** «TERMIZ GRAND ROAD PROJECT» MChJ, direktori U. Saidov o'rtasida 18 900 000 (o'n sakkiz million to'qqiz yuz ming) so'mlik shartnoma tuzish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Termiz shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 23-mayda ishlab chiqarilgan va tizim orqali jo'natilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan. Mazkur loyihani qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Termiz shahar yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti:**



S.Sayfiddinov

2022-yil 24-may

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 79998 на приобретение Термиз ш. И. Каримов кучасига 2 км. сугориш тизимларини ташкил этиш ва 1 дона сув чикариш кудуги казиш (мулжал: Ваз автосалони чоррахасидан тарихий музейгача) Лойиха смета хужжатларини тайёрлаш

Способ проведения электронный

Дата 13.05.2022

Время рассмотрения 13.05.2022 09:34

Конкурсная комиссия Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	FAYZULLAYEV ASADULLA ABDULLAYEVICH	Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси бош инженер	gaz
Секретарь комиссии	NAMATOV ABDUJABBOR BO'RIYEVICH	Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси иктисодчи	gaz
Член комиссии	SARIBAYEV AKBARALI BURIYEVICH	Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси техназор	Gaz
Член комиссии	MUMINOV TULQIN XALIKOVICH	Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси бош хисобчи	gaz
Член комиссии	HAYDAROV FAXRIDDIN USANOVICH	Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси механик	gaz
Член комиссии	ERGASHEV G'AYRAT SHOPULATOVICH	: Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси хужалик мудир	gaz

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.05.2022 года № лота 79998.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Термиз ш. И. Каримов кучасига 2 км. сугориш тизимларини ташкил этиш ва 1 дона сув чикариш кудуги казиш (мулжал: Ваз автосалони чоррахасидан тарихий музейгача) Лойиха смета хужжатларини тайёрлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	18 973 000.00
Стартовая сумма	18 973 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, гувоҳнома, лицензия, кафолат хати, молиявий ахволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, структураси Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан

Ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиҳа ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эгаллиги Буюртмачи билан суд тортишув ҳолатида эмаслиги, аввал тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги, инсофсиз ижрочилар руйхатида мавжуд эмаслиги, молиявий барқарор, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи ва буюртмани ўз вақтида бажарилиши тўғрисида кафолат хати Лойиҳалаш корхонасининг молиявий ахволи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	20	маълумот	20	Экспертная		
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	20	Маълумот	17	Экспертная		

Критерий №2 Лойиҳалаш корхонасида ишлаётган ишчилар тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Соҳа бўйича олий маълумотга эга иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар раҳбарлик лавозимидаги, 2 нафар лойиҳачи-муҳандис (ГИП), 3 нафар мутахассислар ҳамда доимий асосда ишлайдиган камида 10 нафар малакали ходим ва ишчилар борлиги (охирги йилдаги статистика ҳисоботида асосан ва шартнома асосида жалб этилган)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	20	маълумот	20	Экспертная		
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	20	Маълумот	15	Экспертная		

Критерий №3 Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида, қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот, лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот (камида 2 та ўхшаш объектларнинг лойиҳаси бажарилганлиги ва якунига етказилганлиги) Қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи), лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	20	маълумот	20	Экспертная		
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	20	Маълумот	17	Экспертная		

Критерий №4 Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги ҳамда мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса 1 коэффицент, ижарада бўлса 0,5 коэффицент билан баҳоланади) Мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот (камида 10 бирликда ўлчов асбоблари ва 10 бирликда оргтехника жихозлари борлиги)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	20	маълумот	20	Экспертная		
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	20	Маълумот	17	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	18 973 000.00	18 963 000.00	06.05.2022 08:29:41	19.93
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	18 973 000.00	18 900 000.00	06.05.2022 08:21:40	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	66.4	19.93	86.33
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	80	20	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 79998 от 13.05.2022 года на приобретение Термиз ш. И. Каримов кучасига 2 км. сугориш тизимларини ташкил этиш ва 1 дона сув чикариш кудуги казиш (мулжал: Ваз автосалони чоррахасидан тарихий музейгача) Лойиха смета хужжатларини тайёрлаш определила победителем:

ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT
308493584

и резервный исполнитель: TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ (306454507)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	SARIBAYEV AKBARALI BURIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	HAYDAROV FAXRIDDIN USANOVICH	Согласен	
Член комиссии	MUMINOV TULQIN XALIKOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	FAYZULLAYEV ASADULLA ABDULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП